

## Олий таълим муассасалари раҳбарлари ТИҚХММИга ташриф буюришди

Тажриба алмашиш, ижобий ютуқ ва натижаларни ўзлаштириш, амалда қўллашнинг ҳикмати кўп. Замон талабига мувофиқ юқори технологиялар асосида таълим тизимини йўлга қўйган, дунё университетлари ичида юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган олий таълим муассасаларини кўриш, тажрибаларини ўртоқлашиш, ўрганишнинг аҳамияти катта. Худди шу мақсадда Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги юзга яқин олий ўқув юрлари ректорлари ва филиаллари директорларининг таълим муассасаларига ташрифи ижобий натижа ва муваффақиятларга етаклайди.



Бугун ТИҚХММИга худди шундай мақсадда олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллари директорлари ташриф буюришди. Институтда замон талабига мувофиқ юқори технологияларга асосланган ўқув хоналари, ахборот ресурс маркази ва лабораторияларни кўриб завқ-шавққа тўлишди. Ўз таълим муассасаларида ҳам бу самарали натижаларни жорий этишни ният қилишди. Шунингдек, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган кластер марказларининг очилиши ютуқларимиз кафолатидир. Навбатдаги кластер маркази яқиндагина институтимизда “Табиий ресурсларни барқарор бошқаришда рақамли технологиялар кластери” АКФА Group компанияси ҳомийлигида ташкил этилган эди.



Унинг илмий-техник жиҳозланиши ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги масаласи албатта ректорларнинг диққат – эътиборини тортмасдан қолмади. Ушбу кластернинг мақсади масофадан зондлашнинг замонавий усуллари ва географик ахборот тизимлардан фойдаланган ҳолда, қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, ердан фойдаланиш, геодезия ва картография, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришини баҳолаш бўйича ситуацион (вазоятли) жараёнларни кузатиш, назорат қилиш бўйича тадқиқотлар амалга оширишдан иборат.



Институтда Европанинг нуфузли университетлари билан ҳамкорлик доирасида кўпгина профессор-ўқитувчилар, докторант ва магистрантларимиз ўтган 15 йил давомида ушбу қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида масофадан зондлаш, географик ахборот тизимлардан фойдаланиш бўйича янги билим ва кўникмаларни ўзлаштиришларига, уларни амалиётда қўллашга эришдилар.



Жумладан, 2003 йилдан бошлаб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Нидерландиянинг Вагиненгин университети билан ҳамкорликда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (Геоахборот тизимлари) ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (халқаро ер ва сув ресурсларини бошқариш) магистратура мутахассисликлари бўйича икки томонлама диплом бериш дастурини йўлга қўйилгани эътиборга молик. Умуман олганда, хорижий университетлар: Вагиненгин университети (Нидерландия), Бонн университети (Германия), Вайнштефан университети (Германия) билан 194 нафар магистрантлар, жумладан 92 нафари “(Қишлоқ ва сув хўжалигида) Атроф-муҳит муҳофазаси” мутахассислиги бўйича магистр кадрлар қилиб тайёрланди.



Ҳозирги кунда магистратура битирувчилари Ўзбекистон, Голландия, Германия, Швеция, Словакия, Япония, Италия ва Австриянинг етакчи университетларида ўз илмий изланишларини олиб бормоқдалар. Улардан Ўзбекистонда 5 нафари фан номзоди, 20 нафари фалсафа доктори(PhD)илмий даражаларини олишди. Вагиненгин университети ва ТИҚХММИ олимлари

биргаликда ўсимликлар индекслари асосида шўрланиш ва тупроқ деградациясини баҳолашнинг янги услубиятини ишлаб чиқдилар.



Дунёда илк мартаба Сирдарё вилояти мисолида тупроқ шўрланишини ўсимликлар космик термографияси усули билан баҳолашда қўлланилди. Доимий изланиш ва ҳаракатда бўлиш юрт тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади. Фаолиятнинг икки қаноти бор бўлиб, бу ташаббускорлик ва ташкилотчиликдир. Ректорлар институтимиз жамоаси янги йилни янги кластер маркази билан кутиб олганига иқрор бўлишди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**